



DESCRIPTION AND POTENTIAL OF ECOLOGICAL TOURISM RESOURCES IN JIZZAKH ECOTOURISM REGION

A.P. Makhmudova

Associate Professor

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Ecotourism, nature conservation, ecological and recreational resources, restoration, tourism resources, international tourism

Abstract: The article discusses the description and potential of ecotourism resources of the Jizzakh ecotourist district

Received: 02.06.22

Accepted: 04.06.22

Published: 06.06.22

ЖИЗЗАХ ЭКОТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РЕСУРЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА САЛОХИЯТИ

А.П. Махмудова

Доцент

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Экотуризм, табиатни мухофаза қилиш, экологик ва рекреацион ресурслар, реставрация, туризм

Аннотация: Мақолада Жиззах экотуризм минтақасининг экологик туризм ресурслари тавсифи ва салоҳияти муҳокама килинади.

ОПИСАНИЕ И ПОТЕНЦИАЛ РЕСУРСОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА ДЖИЗАКСКОЙ ЭКОТУРИСТИЧЕСКОЙ ОБЛАСТИ

A.P. Махмудова

Доцент

Самаркандский институт экономики и сервиса

Самарканد, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Экотуризм, охрана природы, эколого-рекреационные ресурсы, восстановление, туристические ресурсы, международный туризм

Аннотация: В статье рассматривается описание и потенциал ресурсов экологического туризма Джизакского экотуристического района

КИРИШ

Жиззах вилоятнинг бетакорор табиати Туркистон тоғ тизмаси бағрида ва бу тоғлар табиати билан боғлиқ табиий рельеф кўринишлари билан боғлиқ ҳисобланади. Туркистон тоғ тизмаси Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозогистон республикаси худудларида жойлашган бўлиб ғарбдан шарққа томон 340 километр масофага чўзилган. Вилоятдаги энг сўлим экологик-рекреация бойликлари ҳам ушбу тоғ ён бағирларида табиий жиҳатдан шаклланган.

Туркистон тизма тоғларининг вилоят худудларидағи қизил-мазорсой, Кўлсой, Супа, Чортанга, Шариллоқ, Қашқасой, Ўрикли сойлари бу тоғларнинг энг хилма-хил табиий арчазор ўрмонлари билан қопланган. Шунинг учун ҳам бу арча ўрмонлари ва унинг ноёб ҳайвон оламини муҳофаза қилиш учун Марказий Осиёда ва Ўзбекистонда биринчи Зомин (илгариғи номи Ғўралас) давлат табиат кўриқхонанинг умумий майдони 26800 гектарни ташкил қиласди, шундан 22135 гектари арчазор ўрмонлари билан қопланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кўриқхона табиатнинг янада эътиборга олиш муҳофазани кўчайтириш шу билан бирга аҳолининг дам олиш масканларини яратиш мақсадида 1976 йилда қўриқхона чегараларида худудларининг бир қисмида Зомин миллий боғи ташкил қилинди. Бу миллий боғ маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг Зомин тумани худудида Помир-Олой тоғ тизмасига киравчи Туркистон тоғ тизмасининг Ғарбий қисмida, Молгузар тоғининг ғарбий ён бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 24110 гектарни ташкил этади.

Кўриқхонада Миллий табиат боғида ғоят ноёб ва хилма-хил ҳайвонот дунёси яшайди. Бу табиатда қушларнинг 134 та тури, сут эмизувчиларнинг 37 та тури, судралиб юрувчиларнинг 37 та тури рўйхатга олинган. Кўриқхонадаги Туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, сибир эчкиси Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган.

Кўриқхонада ўсимликлар олами ҳам ниҳоятда бой ва биологик хилма-хилликка эга ҳисобланади. Бу худудларда 59 оиласга мансуб, 312 туркумга киравчи 660 тур гулловчи юксак ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг 13 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил

китоб»ига киритилган. Шундан 48 тури эндемиклар (фақат шу худудларда ўсади) ҳисобланади, 400 тури фойдали ўсимликлардир (доривор, шифобахш ўсимликлар – 119 тур, ем-хашак – 88 тур, манзарали – 57 тур, ошловчи – 49 тур, озукабоп – 42 тур, заҳарли – 35 тур, бүёқбоп – 10 тур, эфир мойли – 14 тур, елим берувчи – 3 тур, ёғли – 3 тур, зиравор – 5 тур).

Кўриқхонанинг сўлим экологик гўшалари жуда кўп. Шулардан энг томошабоп жойларидан бири – Кизил-эшаксой майдонида жойлашган баланд, катта ҳайкалларни эслатувчи, гаройиб кўринишдаги қизилқоя тошлариридир. Ушбу тошлар қум ва конгломератлардан иборат бўлиб, у афсонавий одам ёки шерсимонкаппарга ўхшаб кетади. Маҳаллий халқ бу кўринишни «Қирққиз» деб атайди.

Сингзор дарёсининг ирмоқларидан бири – Кўксойнинг ўрта қисмида оҳактошлар орасидаги гаройиб бир дарани маҳаллий аҳоли «Чортанга» деб атайди. Бу дарада сув ҳайқираб оқиб, сайроқи қушлар каби ҳар хил овозлар чиқаради. Шунинг учун ҳам бу «Сайровчи дара» номини ҳам олган. Бу дара оҳактош ётқизиқлари орасидан 2 км масофага чўзилган. Бундай тор ва чуқур даралар, Қашқасув, Ғўралашсойларда ҳам мавжуд.

Ғўралашсойнинг ўнг ён бағридаги катта арчали қисмида минг йиллар давомида нураш натижасида палахса тошлар турли шаклларга афсонавий аждархо, йўлбарс ва бошқа кўринишларга эга бўлганлигидан турисларни ҳайратга солади. Ушбу табиат яратган мўжизаларни туристлар томоша қилиш бишлан бирга шифобахш арчазорлар ҳавосидан баҳраманд бўладилар.

Вилоятнинг Бахмал туманидаги арчазорлар билан қопланган, Новқаота, Боғимазор, Айиқсой, Бойқўнғирсой, Жўм-Жўмсой, Тангатопди даралари ҳам Ўзбекистоннинг энг сўлим, бетакрор табиати ландшафтлари рўйхатда туради.

Вилоятнинг шимолий-ғарбий ва шарқий қисми текисликлари, паст текистликларида 600 минг майдонни эгаллаган Ҳайдаркўл ва 63300 гектарли Арнасой кўллари қишлоучи қушларнинг макони ва ўзига хос ҳайвонот олами худудлари ҳисобланади. Республикамиздаги ноёб сув ҳайвонлари қушлари ва қишлоучи қушларни муҳофаза қилиш учун «Арнасой» табиати давлат заказниги ташкил қилинган. Туристон тизма тоғларидан бошланадиган ва вилоятдаги энг катта дарёлар ҳисобланган Зоминсой ва Сангзор дарёси ҳавзасида 50 дан зиёд шифобахш, шу билан бирга сўлим табиати бўлган булоқлар бор.

Вилоятнинг Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш туманларида табиат яратган мўжизавий ёдгорликлар мавжуд (Қирққиз, Малик аждар, Кўйтош, қоятошлардаги қадимги расмлар ва бошқалар...). Жиззах шахри ва Пахтакор, Ғаллаорол туманларида, қадимги Буюк Ипак йўли карvon йўлларидағи «Сардобалар» ҳозиргача сақланиб қолган. Бундай ноёб табиат ва маданий ёдгорликлар, маконлар ички ва халқаро туристларда катта қизиқишилар ҳосил

қилади. Бу эса вилоятда экологик-рекреация туризмларини ривожлантиришнинг катта имкониятлари борлигини билдиради.

Жиззах вилояти табиатнинг қисқача тавсифидан хулоса қилиш мумкинки, вилоятнинг худудлари экологик-рекреация ресурсларига жуда бой. Аммо ушбу ресурслардан ҳозирда талаб даражасида фойдаланилмасдан қолмоқда. Вилоятда мавжуд экологик-рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, бундай жойларда дам олиш шароитларини яратиш, экологик-рекреация ресурсларидан фойдаланишни тарғиб қилиш, рекламаларини чиқариб ички ва хорижий туристик оқимни кучайтиради.

Вилоятда экологик-рекреация ресурсларининг ва иқлим хусусиятларининг ижобийлиги, табиат экскурсия ресурсларининг кўплиги ва хилма-хиллигини республиканизнинг вилоятларидағи табиат бойликларига қиёслаганимизда ҳам Жиззах вилояти вилоятлари чида тўртинчи ўринни эгаллайди. Рекреациянинг энг муҳим фаолияти бўлган ижтимоий-маданий

рекреация экскурсия ресурслари билан таққослаганимизда Жиззах вилояти иккинчи ўринни эгаллайди.

Маълумотлар бўйича вилоятнинг иқлим шароитлари ижобий, табиатдаги манзарали хилма-хиллик даражалари юқори ва ўртacha, билиш салоҳияти ўртacha ҳисобланади. Шунингдек, экскурсия ресурслари ва экскурсия ресурсларининг таркибий кўрсаткичлари бўйича ҳам вилоят бошқа вилоят кўрсаткичлари бўйича олдинги ўринларни эгаллайди.

Ушбу маълумотлар ҳам вилоятда экологик туризмни ички ва халқаро миқёсларда ҳам жадал ривожлантириш имкониятлари борлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам вилоятдаги экотуризм ресурсларидан фойдаланишда бу ресурсларнинг гурӯҳларини, тавсифларини яратиш талаб қилинади. Жиззах вилоятининг экологик туризм ресурсларини тадқиқ қилганимизда аввало Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг «Ўзбекистоннинг экотуристик харитасини эътиборга олиш лозим. Ушбу харитага мувофиқ мамлакатимиз худудлари 14 та экотуристик районни табиий иқлим шароитлари, экологик биохилма-хилликлари ўзига хос бўлган экотуристик минтақа (зона) деб ҳам қабул қилиш мумкин. Бу экотуристик районлар қўйидагилар: Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркўл, Сирдарё, Чирчик, Оҳангарон, Туркистон, Қашқадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик районлари.

Ўзбекистоннинг экотуристик районларининг жойлашиши ва худдуларига назар солсак Жиззах вилояти худудлари 4 та экотуристик районга киритилган: VII –Айдаркўл, VIII – Сирдарё, V – Нурота ва XI – Туркистон. Вилоятдаги экотуристик ресурсларининг мамлакатимиз даражасида бундай бўлиши ҳам вилоят табиатининг бир-биридан фарқ қилувчи, жозибадор экотуристик ресурсларга бойлиги билан белгиланади.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги экологик ресурсларни ўрганишимиз натижасида ва халқаро экотуризм бозоридаги экотуристик талабларни, экотуристик маҳсулотлар, экотуристик хизматларга бўлган эҳтиёжларни эътиборга олсак вилоятдаги экотуристик рекреация туризми ресурслари қуидагича таърифланиши мумкин:

1. «Зомин» давлат миллий боғи (24100 га).
2. «Зомин» давлат тоғ-ўрмон қўриқхонаси (26400 га).
3. Туркистон тизмали тоғлари шимолий ён-бағридаги арчазор ўрмонлари;
6. Молгузар тоғ тизмаларидағи сийрак арчазор ўрмонлари билан боғлиқ табиат ландшафтлари;
7. Зомин тоғларидаги арчазор ўрмонлари;
8. Сангзор дарёси сув ҳавзаси;
9. Зомин сув дарёси сув ҳавзаси;
10. Жиззах сув омбори ҳавзаси.

Вилоятдаги экотуристик-рекреацион ресурслар ички ва ташки экотуризмни ривожлантиришда юқори даражадаги хилма-хиллиги ва жозибадорлиги билан республикамиздаги бошқа экотуризм ресурсларидан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу экотуристик ресурслардан алоҳида-алоҳида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирча республикамиз туризмида туристик ресурслардан қайд қилинган индивидуал йўналишида фойдаланилмоқда. Масалан, тарихий ёки зиёрат туризми ресурслари каби. Халқаро ёки ички туризми ривожланган давлатларда эса туристик ресурслардан мажмуали усувлардан фойдаланиш жуда ривожланган.

Бу ҳолатнинг асосий сабаби Ўзбекистонда ҳали мажмуали турни, мажмуали турмаҳсулотларни ишлаб чиқарувчи малакали туроператорларнинг жуда камлиги ҳисобланади. Иккинчидан, туроператорларимиз республикамизнинг табиий географиясини яхши билишмайди. Учинчидан, вилоятлардаги туристик ресурсларнинг районлаштирилмаганлигидир. Шу сабабли туроператорлар туристик ресурсларнинг умумий рўйхати билангина ишлашади, ёки вилоятларда фақат анча оммавийлашган туристик обьектларгагина турмаҳсулот, туристик маршрутлар ишлаб чиқишишмоқда.

Ички туризмда ҳам, айниқса халқаро туризмда бундай яъни ҳар бир туристик обьектдан индивидуал усуlda фойдаланиш давридан ўтдик. Бу даврнинг туристик маҳсулоти эскирди. Ҳозир халқаро туризмни ривожлантириш учун янги ва фақат янги туристик маҳсулотлар ишлаб чиқишимиз талаб қилинмоқда.

Туристик ресурслардан мажмуали фойдаланишнинг мазмuni шундаки, тажрибали туроператор бир туристик обьектни кўришга келган турист ёки туристларни қўшни туристик обьект ёки туристик худудга қизиқтиришнинг уддасидан чиқиши лозим. Европа, Америка ва

Хитой давлатларидағи туроператорлар шу усулда ишлашади. Шунинг учун ҳам биз вилоятдаги экотуристик-рекреацион ресурслардан туризмда фойдаланиш учун бу ресурсларни вилоят бүйича районлаштириш бугунги туризм ривожининг долзарб талабларидан деб хисоблаймиз.

Туристик районлаштиришда кўплаб-тадқиқотчилар худудларнинг туризмга яроқлилиги, туристик ресурсларнинг жозибадорлигини асос қилиб туризм тизимини худудий ва минтақавий лойиҳалаштиришни таклиф қилишган. Туристик худудий бирликларда районлаштирилгандан таҳлил обьекти қилиб (асос қилиб) географик жойлашишни, табиий шароитини, биологик ресурсларини, этник, маданий ва тарихий маданий ресурсларини (архитектура обидалари, ўзига хос анъанавий маданияти, музейлари, маданий марказлари), туризм индустрисининг маданий-техник ресурсларини, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва замонавий экологик ҳолатига баҳони, экологик ижтимоий-иқтисодий башоратларни асос қилиб олади.

ХУЛОСА

Биз ҳам Жиззах вилоятидаги экологик-рекреацион ресурслардан экотуризм-рекреацияни ривожлантириш учун районлаштириш тадқиқотларимизда юқоридаги муаллифлар таклиф қилган ижтимоий-иқтисодий ва замонавий экологик ҳолатга баҳо мезонларидан фойдаландик. Экотуристик районларни намлашда ушбу райондаги асосий бойликларни билдириб туриши асос қилиб олинди. Экотуристик район таркибиға киравчи экотуристик худудларнинг бири бирини экотуристик ресурслар билан тўлдириб бериш ёки кескин бошқача экотуристик жозибадор бўлишига эътибор берилди. Яна бир муҳими экотуристик район ичидаги экотуристик худудлар бир-бирига чегарадошлиги, бир экотуристик худуддан иккинчи бир экотуристик худудга ўтиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинди.

Шунинг учун ҳам, бизнинг хуласаларимиз бўйича бир экотуристик район ичидаги экотуристик худудлардан мажмуали фойдаланиш имкониятлари юқори даражада бўлади (масалан, ўрмонлардан сув ҳавзаларига, улардан ижтимоий-маданий ресурсларга ва бошқ).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. Raximov Z.O. Turizm sohasida mehmonxonalar xo‘jaligini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari.// Monografiya. – Samarqand: SamISI, 2021. 212 bet.
3. Raximov Z.O., Ibadullaev N.E., Xaitboev R. Turopereuting.// Darslik. – Toshkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 396 bet.

4. Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati./ Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Axborotnomasi. Nukus 2020 yil 3-son (ISSN 2010-9075). 42-45 bet.
5. Raximov Z.O. Raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning yangi turlarining rivojlanishi./ SamISIda o'tkazilgan «Turizmda innovatsion-investitsiya jarayonlarini rivojlantirish istiqbollari» mavzusida xalqaro onlayn ilmiy-amaliy konfrensiyasi. (2020 yil, 3-iyun) – Samarqand: SamISI, 2020.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldag'i PF-4947-son «O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi Farmoni, www.lex.uz
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdag'i PQ-3217-son «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlari tadbirlar to'g'risida»gi Qarori. www.lex.uz
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 fevraldag'i PQ-3514-son «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarori. www.lex.uz
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 apreldagi 03/1-220- son bilan tasdiqlangan «Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda namunali fermer xo'jaliklarini sayyoohlarga xizmat ko'rsatishga moslashtirish, ularga sayyoohlarni jalb qilish hamda ularning mamlakatimizda bo'lish muddat-larini uzaytirish maqsadida agroturizm va qishloq turizmini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi». www.lex.uz
10. Azizkulov B.X., Siddiqov A.A. Assessment of the features of investment in the development of agrotourism based on a cluster approach. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 1. (40-48) pp. DOI 10.26739/2181-9491-2021-1-6.
11. Busby G., Rendle S. (2000). The transition from tourism on farms to farm tourism. Tourism Management, 21(6): 635-642. DOI:10.1016/S0261-5177(00)00011-X.
12. Здоров А.Б. Организационно-экономические основы развития аграрного туризма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономики-ческих наук. Москва – 2011.